

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. I.15.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАШИМОВА НАИМА АБИТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.02 – Макроиқтисодиёт
(иқтисодиёт фанлари)**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри –2017 йил

**Фан доктори (DoctorofScience) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

Оглавление автореферата докторской (DoctorofScience) диссертации

Content of the Doctoral (DoctorofScience) Dissertational Abstract

Хашимова Наима Абитовна

Ўзбекистон Республикасида инвестицион салоҳият ривожланишининг
илмий-методологик асосларини такомиллаштириш..... 3

Хашимова Наима Абитовна

Совершенствование научно-методологических основ развития
инвестиционного потенциала в Республике Узбекистан..... 33

Khashimova Naima Abitovna

Improvement of scientific and methodological bases of development of
investment potential in the Republic of Uzbekistan..... 63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ
ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. I.15.01РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ХАШИМОВА НАИМА АБИТОВНА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ИНВЕСТИЦИОН САЛОҲИЯТ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.02 – Макроиқтисодиёт
(иқтисодиёт фанлари)**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри –2017 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/Iqt.11 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (info@bfa.uz) ва «Ziynet» Ахбороттаълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи

Турсунходжаев Марат Лутфуллаевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар

Усмонов Анвар Саидмахмудович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Тростянский Дмитрий Валерьевич
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Абулқосимов Хасан Пирназарович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот

Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети Тошкент шаҳар филиали

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017. I.15.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ кунини соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237- 54-01, e-mail: info@bfa.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 237-53-25, факс: (99871) 237- 54-01, e-mail: info@bfa.uz).

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2017 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш.Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

У.В.Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Н.М.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ(докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ҳамда молиявий ресурслар тақчиллиги шароитида дунёнинг кўплаб мамлакатлари учун инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ҳамда сармоялардан самарали фойдаланиш масаласи муҳим вазифага айланди. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Халқаро инвестицияларни бошқаришни ислоҳ қилиш» (World Investment Report 2015) маърузасида таъкидланганидек, халқаро тадқиқотчилар томонидан инвестицион салоҳиятни «мамлакатнинг юксак ички кучи, қуввати» сифатида эътироф этилмоқда¹. Ҳеч шубҳасиз, мамлакатнинг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш, унинг имконият ва захираларидан самарали фойдаланиш тараққиётнинг энг муҳим омилларидан бири ҳисобланади.

Халқаро миқёсда иқтисодий ўсишни таъминлаш ҳамда инвестицион жараёни кучайтириш каби муҳим вазифаларни ўзаро уйғунлаштириш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадида самарали инвестицион сиёсатни ишлаб чиқишни такомиллаштириш, мавжуд инвестицион салоҳият ва имкониятларни сафарбар этишнинг таъсирчан механизмларини шакллантиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштириш, инвестицион салоҳиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда муस्ताқил тараққиёт даврида қулай инвестицион муҳитни яратиш, иқтисодий сармоя билан таъминлаш, инвестицион фаолиятнинг жозибadorлигини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилди. Мамлакатда инвестицияларга бўлган талабнинг рағбатлантирилиши, инвестициялар ресурс базасининг кенгайтирилиши, қулай инвестицион муҳитнинг яратилиши натижасида инвестициялар ҳажмини АҚШ доллари ҳисобида 19 мартага ошириш имконини берди. Сўнгги 20 йил ичида инвестицион жараёнларни ривожлантириш индикаторларининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикасида ижобий томонга силжиш, ўсиш суръатлари кузатилди. Бироқ, таъкидлаш жоизки, инвестицияларни жалб этиш борасида ҳали етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Шунга кўра, ҳозирда нафақат маҳаллий сармоядорларни, балки хорижий инвесторларни ҳам ўзига жалб эта оладиган шарт-шароитлар яратишга устувор эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «жадал инвестицион сиёсатни амалга ошириш» ва чет эл сармоядорларини жалб қилиш учун инвестицион жозибadorликни кучайтириш зарурати алоҳида таъкидланган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича

¹Халқаро инвестициялар бўйича маъруза. 2015 йил. Халқаро инвестицияларни бошқаришни ислоҳ қилиш. Бирлашган Миллатлар ташкилоти. Нью-Йорк ва Женева. 2015.- www.worldinvestmentreport.org

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль. ПФ-4947-сон // Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 12 январдаги ПФ-4931-сон «Эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини кенгайтириш ва жадаллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2697-сон «2017 йил учун Ўзбекистон Республикаси Инвестицион дастури тўғрисида»ги, 2015 йил 6 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, тузилмавий ўзгаришларни таъминлаш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида»ги, 2014 йил 7 апрелдаги ПҚ-4609-сон «Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорларива мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация мавзуси республикада амалга оширилаётган илмий-тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келиши билан бирга инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шаклланиш» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи³. Инвестициялар, инвестицион фаолият, инвестицион сиёсат ва стратегия билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муасасалари, жумладан, Harvard University, University of British Columbia, Yale School of Management (АҚШ), Erasmus Universiteit Rotterdam (Нидерландия), University of Glasgow (Шотландия), Jonkoping International Business School (Швеция), Санкт-Петербургский государственный университет, Институт экономики Российской Академии наук (Россия),

³ Мазкур қисм қуйидаги манбалар асосида тайёрланди: Wilson Eziefule Herbert. New forms of international investment: a study of alternative strategies to foreign investment. Glasgow Theses Service. 1992, pp.13-20; Assandé Désiré Adom и Nasr G. Elbahnasawy Saving-Investment Gap and Economic Growth in Developing Countries: Simulated Evidence from Selected Countries in Africa. Cambridge Journal of Education and Science. 2017 pp. 487-502; Calvert, A.L. "A Synthesis of Foreign Direct Investment Theories and Theories of Multinational Firms." Journal of International Business Studies, Spring/Summer, 1981. pp .48-59.; Imad A. Moosa. Foreign Direct Investment. Theory, Evidence and Practice. Palgrave Macmillan. 2002. pp.23-62; D. W. Jorgenson, "Capital Theory and Investment Behavior," American Economic Review, May 1963, pp. 247-259 ; See Vernon L. Smith, "The Theory of Investment and Production," Quarterly Journal of Economics, February 1959; Alfaro, Laura. "Gains from Foreign Direct Investment: Macro and Micro Approaches." World Bank Economic Review 2016: p.9-14; Sucher, Sandra J., and Matthew Preble. "Generation Investment Management." Harvard Business School July 2012. p.23-37; Thomas Pistorius The Rhetoric of Investment Theory. Erasmus Universiteit Rotterdam; Bourreau, 2010. p.76-94; Johan E Eklund. Theories of Investment: A Theoretical Review with Empirical Applications. Swedish Entrepreneurship Forum and Jonkoping International Business School. 2012.; Кармов Р.А. Инвестиционный потенциал социально-экономические условия его реализации в трансформационной экономике: Автореф. дис. канд. экон. наук. М.: Институт экономики РАН, 2007. 23 с.; Катасонов В.Ю. Инвестиционный потенциал экономики: механизмы формирования и использования. М.: Анкил, 2005. С. 248; Федяшева Г.Ч.-Б. Прогнозирование инвестиционного развития на основе многокомпонентного исследования/Журнал «Рынок, деньги и кредит» №2, 2016; Абдураупов Р.Р. Совершенствование механизмов управления экономическим потенциалом предприятий с иностранными инвестициями. Автореф. дис. док. экон. наук. - Т.: ТГЭУ, 2016.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Инвестицион салоҳият назариясини такомиллаштиришга оид халқаро тадқиқотлар натижасида бир қатор илмий ва амалий натижаларга эришилди, жумладан, Европа мамлакатларининг телекоммуникация тармоқларида миллий назорат органлари томонидан кенг қўлланилган «Investor Ladder» деб номланган ёндашув ишлаб чиқилди (Harvard University, АҚШ); динамик оптималлаштиришдан фойдаланилган ҳолда муайян бир фирманинг соф фойдасини кўпайтириш учун Тобин назариясини қўллашнинг услубий ва амалий жиҳатлари асослаб берилди (Jonkoping International Business School, Швеция); акциялар бозорининг захираси, хавфсизлиги ҳамда самарадорлигини баҳолаш учун кўп омилли моделларни ва капитал активлар (CAPM) ни баҳолаш моделларини қўллаш асослаб берилди (Yale School of Management, АҚШ); инвестицион сиёсатни йўлга қўйиш, бизнес жараёнлари натижавийлигини баҳолаш, молиявий барқарорлик ҳамда иқтисодий хатарларни баҳолаш усуллари аниқланди (Санкт-Петербургский государственный университет, Институт экономики Российской Академии наук (Россия)); инвестицион жараёнлар самарадорлигини ошириш ҳамда келгусида инвестицион муҳитни яхшилаш йўллари аниқланди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти); хорижий инвестициялар асосида ташкил этилган корхоналарнинг иқтисодий салоҳиятини бошқариш жараёнида юзага келадиган муносабатлар тизими тадқиқ этилди (Тошкент давлат иқтисодиёт университети); саноат корхоналари инвестицион салоҳияти шаклланиши механизми самарадорлигини интеграл баҳолашга муваффақ бўлинди (Тошкент давлат техника университети).

Жаҳон миқёсида инвестицион салоҳиятни бошқариш механизмларини такомиллаштиришга доир бир қатор устувор йўналишлар юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, инвестицион салоҳиятга институционал шароитларнинг таъсири, инвестицион салоҳиятга ялпи хусусий ресурслардан фойдаланиш нуқтаи-назардан баҳо бериш, инвестицион салоҳиятнинг ҳудудий аспектларини баҳолаш, фан ва технологиялар соҳасидаги замонавий тенденциялардан келиб чиққан ҳолда инвестицион-инновацион тараққиёт механизмларини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инвестиция назарияси ва инвестицион жараёнлар соҳасидаги тадқиқотларга оид билимлар J.M.Keynes, E.Böhm-Bawerk, I.Fisher, R.F.Harrod, H.M.Markowitz, R.Merton, F.Modigliani, M.H.Miller, J.Tobin, W.F.Sharpe, M.S.Scholes, E.Altman, R.Dornbusch, C.R.McConnell каби хорижий олимларнинг илмий ишларида кўриб чиқилган⁴. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимлари

⁴ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег. Избранное. The General Theory of Employment, Interest and Money, 1936. The Selected Works.- М.: Эксмо, 2007. - С. 960.; Eugen Böhm-Bawerk. Positive Theory of Capital // Economic Logic. - 3rd ed. - Washington: Capital Press, 2010. - P. 265-266.; Fisher, Irving. The Theory of

А.Г.Аганбегян, Е.А.Лукинская, В.В.Бочаров, Е.Н.Кулюшин, А.М.Марголин, М.Ю.Маковецкий, Ф.С.Тумусовлар ўз илмий ишларида инвестицион жараён ва инвестицион таҳлил, инвестицион салоҳиятни баҳолаш масалаларига алоҳида эътибор қаратганлар⁵.

Мамлакатамиз иқтисодчи олимлари А.Ш.Бекмуродов, С.С.Ғуломов, Н.М.Махмудов, Б.Б.Беркинов, Н.Ғ.Каримов, А.В.Вахабов, Ж.А.Муинов, У.С.Надырханов, Д.Ғ.Ғозибеков, Б.Б.Самарходжаев, Э.Х.Махмудов, Ф.У.Додиев, Д.Х.Набиев, А.Сабилов, С.А.Абдурахимова бошқа кўплаб олимларнинг илмий изланишларида инвестицион жараёнларни жадаллаштириш ва инвестицион фаолиятни бошқаришнинг айрим жиҳатлари кўриб чиқилган⁶.

Мазкур тадқиқотларда инвестицион жараёнларни ривожлантириш ва бошқариш механизмларини тадқиқ этиш бўйича маълум назарий ва методологик натижалар олинган бўлишига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиётида кузатилаётган либераллаштириш шароитларида, инвестицион салоҳият шаклланишининг механизми, инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ва ундан фойдаланишнинг самарали стратегияси

Interest. - New York. The Macmillan company, 1930.; Harrod R.F. Doctrines of Imperfect Competition// Quarterly Journal of Economics 48 (May 1934), pp. 442-470; Markowitz H.M. Portfolio Selection: Efficient Diversification of Investment. Wiley. - New York. 1959.; Merton, Robert K. (December 1936). «The Unanticipated Consequences of Purposive Social Action». American Sociological Review. 1 (6): 894-904; Franco Modigliani and Merton H. Miller. The Cost of Capital, Corporation Finance and the Theory of Investment. The American Economic Review, Vol. 48, No. 3 (Jun., 1958), pp. 261-297. American Economic Association; Tobin, James. «Money, Capital, and Other Stores of Value», American Economic Review, 1961.51(2), pp. 26-37; Altman Edward. Corporate Financial Distress and Bankruptcy, 3rd edition. - John Wiley and Sons, 2005; C.R.McConnell, S.L.Brue. Economics: Principles, problems, and policies fourteenth edition. 1992;

⁵Аганбегян А.Г. Инвестиции – основа ускоренного социально-экономического развития России. - Москва, Деньги и кредит, 2012. №5. -12с.; Лукинская Е.А. Инвестиционный потенциал, инвестиционная привлекательность, инвестиционный климат: сущность и взаимосвязь. Уфа. Агентство международных исследований, 2016. -93 с.; Бочаров В.В. Инвестиции. - СПб. Питер, 2002. – 288с.; Кулюшин Е.Н. Инвестиционный потенциал и его использование в зависимости от институциональных условий. Казань. //Экономическая теория, 2010. №12. – 34с.; Марголин А.М., Быстрыков А.Я. Экономическая оценка инвестиций. - М.: «Экмос», 2001. – 240с.; Маковецкий М. Ю. Инвестиционное обеспечение экономического роста: теоретические проблемы, финансовые инструменты, тенденции развития. - М.: Анкил, 2005. – 312с.; Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы, практика. - М.: «Экономика», 1999, - 272с.

⁶Бекмуродов А.Ш. ва б. Ўзбекистон иқтисодиёти либераллаштириш йилларида. 1-5-қисмлар. – Т.: 2005. – 310 б.; Гулямов С.С. Климат для инвесторов. – Т.: 2005. –156 б.; Махмудов Н.М. Инвестиции – ресурсный двигатель экономики// Иностранные инвестиции в РУз. – Т., 2008. – №2. – С.50.; Беркинов Б.Б., Байхонов Б.Т., Абдурахимова С.А. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. – Т., 2011. –128 б.; Каримов Н.Ғ. Ўзбекистон Республикасида инвестицион лойиҳаларни такомиллаштириш йўллари. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. – 192 б.; Вахабов А.В. Иностранные инвестиции и модернизация национальной экономики. - Т.: Молия, 2011.; Надырханов У.С. Прямые иностранные инвестиции в Узбекистане: опыт, проблемы, перспективы роста. - Т.: Фан ва технология, 2011.; Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. -Т.: Молия, 2003.; Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан (международно - частноправовой аспект). – Т.: Изд-во «Академия», 2003. – 240 с.; Махмудов Э.А. Организационно-экономический механизм привлечения прямых иностранных инвестиций в экономику Узбекистана: Дисс. ... кан.экон.наук. - Т.: Институт экономики АНРУз, 2005. -147 с.; Додиев Ф.У. Финансовое стимулирование инвестиционной деятельности: Дисс. ... кан.экон.наук. - Т.: ТашФИ, 1998.; Набиев Д.Х. Таълим соҳасидаги инвестицияларни молиялаштириш масалалари (Ўзбекистон ўрта махсус, касб-хунар таълим тизими мисолида): Дисс. ...кан.экон.наук. - Т.: ТДИУ, 2003.; Сабилов А. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига инвестициялар жалб этишни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш. Дисс. ...кан.экон. наук. - Т., ТДИУ, 2009.; Абдурахимова С.А. Миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солиш. И.ф.н. дисс. – Т., ТДИУ, 2012.

масалаларининг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари комплекс равишда ёритилмаган. Хорижий мамлакатларда амалга оширилган тадқиқотлар аввалом бор инвестицион фаолият ва инвестицион салоҳиятнинг молиявий таъминотини ечишга қаратилган бўлиб, моддий-ресурс, инновацион, инсон салоҳияти каби муҳим агрегатлари эътибордан четда қолган. Айнан шу ҳолат мазкур диссертация иши мавзусини танлаш, унинг мақсади ва вазифаларини белгилашга асос бўлиб хизмат қилди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация Тошкент давлат техника университетининг илмий-тадқиқот ишлари режаси ҳамда Ф-1-100 «Ўзбекистон иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва модернизация қилиш шароитида инвестицион салоҳият назариясини ҳамда унинг шаклланиш механизмини яратишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«инвестицион салоҳият» тушунчасини иқтисодий категория сифатидаги мазмун-моҳиятини очиб бериш;

иқтисодиётдаги инвестицион майдонлар, уларнинг моҳияти ва қонуниятларини тадқиқ этиш;

инвестицион салоҳиятнинг юзага келиш негизлари ҳамда унинг шаклланиш механизмини очиб бериш;

инвестицион салоҳиятни тўлиқ ва унинг таркибий қисмлари кесимида агрегат тузилишини аниқлаш ва асослаш;

макроқўламда инвестицион муҳитни баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш ва уни инвестицион жонланишга таъсирини ўрганиш;

инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ва ўсиш захираларини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;

инвестицион салоҳиятнинг динамикаси ва тузилиши юзасидан агрегат таҳлил ўтказиш;

инвестицион салоҳиятнинг алоҳида агрегатлари ва уларнинг самарадорлигини интеграл баҳолаш;

Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш ва либераллаштириш шароитида инвестицион стратегияни алоҳида агрегатлар кесимида иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш;

инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ва сафарбар этиш жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирларининг мақсадли йўналишларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон иқтисодиётидаги инвестицион жараёнлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети мамлакатнинг инвестицион фаолияти жараёнида инвестицион салоҳиятини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий ва

ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишидатизимли ва синергетик ёндашув, иқтисодий таҳлил, монографик кузатув, эксперт баҳолаш ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

инвестицион салоҳиятнинг категориал мазмунини тавсифловчи инвестицион салоҳият назариясига, жорий ва келажакдаги инвестицион ресурслар ўзаро биргаликда ҳаракатланадиган инвестицион майдон тушунчаси ва унинг мазмуни масалаларига илмий-назарий ёндашув такомиллаштирилган;

инвестицион стратегия самарадорлиги ва натижавийлигини ошириш имконини берувчи инвестицион салоҳият шаклланиши механизмининг агрегат тузилиши методологик асослари очиқ берилган;

инвестицион жозибadorлик ва фаолликни белгиловчи омилларнинг интеграл таҳлилинини тузиш орқали инвестицион муҳит ҳолатини макроқўламда баҳолаш методикаси такомиллаштирилган;

агрегат ёндашув асосида алоҳида олинган ҳар бир агрегат ва уларнинг умумий тавсифини шакллантирувчи турли шароит ва омилларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олиш имконини берувчи инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолаш методикаси такомиллаштирилган;

инвестицион салоҳиятни ривожлантириш йўналишларини белгилаш имконини берувчи инвестицион салоҳиятнинг ривожланиш ва ўсиш захираларини баҳолаш методикаси такомиллаштирилган;

юқори даражадаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон инвестицион салоҳиятини шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

инвестицион майдонлар шаклланишининг қонуниятларини ва Ўзбекистоннинг инвестицион салоҳиятини ривожлантириш механизмларини аниқлаш орқали мамлакат иқтисодий ўсиш имкониятлари ва захираларини амалда таъминлаш имконини берувчи иқтисодий инвестицион салоҳиятнинг методологик асослари, уни генерацияси ва ўсиш суръатини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар инвестицион дастурлар тайёрланиши ҳамда шаклланишида янги йўналишлар ва имкониятларни белгилашга асос бўлиб хизмат қилди;

агрегат ёндашув асосида ишлаб чиқилган инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолаш методикаси, инвестицион жозибadorлик ва фаолликни белгиловчи омилларларнинг интеграл таҳлили асосида ишлаб чиқилган инвестицион муҳит ҳолатини макроқўламда баҳолаш методикаси ўрта муддатли истиқболда ҳудудларнинг комплекс ривожланиш давлат дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тайёрланган башорат-аналитик материалларни тайёрлашда қўлланилган ва 2018 йил макроиқтисодий прогнозларни шакллантиришда фойдаланилди;

инвестицион салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар ҳамда стратегик мақсадларни аниқлаш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация тадқиқотида олинган илмий натижаларнинг ишончлилиги ишда қўлланилган методологик ёндашувлар ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, шунингдек, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда ўтказилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли давлат тузилмалари томонидан маъқулланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион салоҳиятни ривожланишини ва инвестицион ресурсларни сафарбар этиш тадбирларини таъминлайдиган илмий аппаратнинг яратилиши ва бойиши билан белгиланади. Шунингдек, инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг илмий-методологик асослари, усуллари ва моделларини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳамда ишлаб чиқилган илмий таклифлар, амалий тавсиялар Ўзбекистон иқтисодий ривожланишининг асосий омили бўлган инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ва мобилизация қилиш жараёнларини бошқаришни такомиллаштириш ва комплекс чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга хизмат қилиши билан белгиланади. Ишнинг тегишли натижаларидан «Макроиқтисодиёт», «Иқтисодиёт назарияси», «Инвестицион лойиҳалар таҳлили» ва «Инвестицияларни баҳолаш» фанларидан ўқув қўлланмалари ҳамда дарсликлар тайёрланишида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. Инвестицион салоҳият ривожланишининг илмий-методологик асослари ва механизмларини такомиллаштириш борасида олинган илмий натижалар амалиётга жорий этилган. Жумладан:

инвестицион салоҳиятнинг шаклланиш механизмига доир агрегат ёндашув ва унинг асосида ишлаб чиқилган инвестицион салоҳиятнинг интеграл баҳолаш методикаси; инвестицион муҳитни макрокўламда баҳолаш методикаси; инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ва ўсиш захираларини баҳолаш методикаси; инвестицион салоҳият категориал мазмунини асослашда инвестицион майдон тушунчаси ва унинг мазмунига баҳо бериш масалаларига илмий-назарий ёндашув Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан «2018 йилнинг асосий макроиқтисодий прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва инвестицион дастурларни шакллантириш бўйича методологик қўлланма»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 3 ноябрдаги АД-3-1/20-110-сон маълумотномаси). Натижада иқтисодиётнинг етакчи

тармоқлари бўйича инвестицион дастурларни шакллантиришнинг методологик асослари такомиллаштиди;

инвестицион салоҳият ва унинг асосий таркибий агрегатлари бўйича сафарбарликни прогнозлаштириш натижалари; барқарор иқтисодий ўсиш жараёнини таъминловчи узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш бўйича инвестицион салоҳият асосий агрегатларидан фойдаланишнинг 2030 йилгача бўлган мақсадли йўналишлари бўйича прогнозлар; ижтимоий-иқтисодий ривожланишни устувор жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда, узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган инвестицион сиёсатнинг стратегик вазифаси сифатида инвестицион салоҳиятнинг агрегатларини ривожлантириш таклифлари Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг 2017 йил 17 январдаги ТД-3-1/20-33-сон маълумотномаси). Ушбу таклифлардан 2018 йилдаги макроиқтисодий прогнозларни шакллантиришда фойдаланилди;

инвестицион салоҳиятни генерация қилиш методологияси; инвестицион фаолиятни бошқариш натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш методикаси; инвестицион салоҳият ва унинг агрегатлари самарадорлигини аниқловчи индикаторлар тизими, хорижий инвесторларга максимал қулай инвестицион муҳит яратиш бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар, тегишли мутасадди давлат идораларига киритиладиган Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий сармоядорларга юқори даражада қулай инвестицион муҳит яратиш борасидаги таклифлари жамланган умумий базасига киритилган (Савдо-саноат палатасининг 2017 йил 30 январдаги 11/АШ-27-481-сон маълумотномаси). Мазкур тавсиялар асосида Ўзбекистонда инвестицион стратегияни белгилашда инвестицион салоҳиятни ривожлантириш ва инвестицион ресурсларни мобилизация қилишга қаратилган ижтимоий-иқтисодий омилларни башоратлаш имконини берди;

инвестицион салоҳиятни ривожлантиришнинг методологик асослари; инвестицион стратегия ва ижтимоий сиёсат самарадорлигини ошириш имконини берувчи инвестицион салоҳиятнинг агрегат тузилиши асослари барқарор иқтисодий ўсиш омили сифатида фойдаланиш каби материаллар Ўзбекистон Миллий университетида Давлат илмий-техник дастури доирасида 2012-2016 йилларда бажарилган Ф1-17 рақамли «Иқтисодиётни модернизациялаш таъсирида мутаносибликнинг ўзгариши ва уни тартибга солишнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 10 мартдаги ФТҚ-0313/267-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифалар ҳамда стратегик мақсадларни аниқлаш имконини берди;

инвестицион салоҳият ривожланиши механизмини такомиллаштириш бўйича ишланмалар Ўзбекистоннинг инвестицион сиёсатини таҳлил этиш имконини берди (Holon Institute of Technology нинг 2016 йил 9 октябрдаги

маълумотномаси). Ушбу ишланмалар Ўзбекистон ва Исроил ўртасидаги савдо ва инвестицион фаолият ривожланишига кўмаклашувчи инвестицион дастурлар тайёрланиши ҳамда шаклланишида, шунингдек, «Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик битими»га мувофиқ икки томонлама ҳамкорликнинг янги йўналишлари ва имкониятларини белгилашда асос бўлиб хизмат қилди;

инвестицион салоҳиятнинг юзага келиш негизлари ҳамда унинг шаклланиш механизмларининг методологик асослари, инвестицион жараёнларнинг иқтисодий ходиса сифатида ўз-ўзини тартибга солиши ва уларнинг давлат томонидан тартибга солинишининг синергетик тавсифини асослаш орқали инвестицион фаолиятни ташкил этиш ва жонлантиришнинг методологик асослари, инвестицион салоҳият шаклланиши механизмнинг агрегат тузилиши асослари, шу жумладан, муҳим таркибий қисми ҳисобланган ижтимоий соҳа агрегатларини аниқлаш методикасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институти илмий ишларида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар институтининг 2016 йил 8 сентябрдаги 01/01-270-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан мамлакатмизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантиришга йўналтирилган инвестицион стратегиянинг иқтисодий механизмини ишлаб чиқишда ижтимоий самарадорликка эришиш имконини берди.

агрегат ёндашув асосида инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолаш ва инвестицион салоҳиятни ўсиш захираларини баҳолаш методикалари, инвестицион салоҳиятни шакллантириш ҳамда ривожлантириш механизмларини такомиллаштиришнинг чора-тадбирлари бўйича таклифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тикланиш ва тараққиёт фондининг амалиётида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тикланиш ва тараққиёт фондининг 2017 йил 19 октябрдаги 08/08-716 сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф этилган методологик ёндашувлар ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Инвестицион Кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳамда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастури лойиҳаларини тайёрлашда фойдаланилган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 27 та, жумладан 19 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 42 та илмий иш чоп этилди, улардан 1 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 17 тамақола, шу жумладан, 14 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 249 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланиб, унинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр қилинган ишлар рўйхати ҳамда диссертация тузилиши баён этилган.

Диссертациянинг «**Инвестицион салоҳият шаклланиши ва ривожланишининг назарий асослари**» деб номланган биринчи бобида инвестицион салоҳиятнинг мазмун-моҳияти ва у билан боғлиқ асосий тушунчалар тавсифланган.

Замонавий назариялар ва илмий йўналишларни чуқур ўрганиш ҳамда умумлаштириш шуни кўрсатмоқдаки, инвестицион салоҳият тушунчаси, хорижий адабиётларда, шу билан бирга маҳаллий адабиётларда ҳам кўп ҳолларда ресурслар базасининг мавжудлиги билан боғланади⁷.

Ҳар қандай салоҳият шундай аниқланади, бироқ унга турли сифатга эга салоҳиятлар гаммаси, масалан, табиий, ишлаб чиқариш, меҳнат салоҳияти ва бошқаларни киритадиган бўлсак, инвестицион ва иқтисодий салоҳият ўртасидаги тафовут йўқолади, бу тушунчалар моҳиятига кўра бир-бири билан аралашиб уйқаш бўлиб кетади. Шунинг учун ҳам инвестицион салоҳиятнинг моҳиятига кўра ролини очиб бериш учун мазкур тоифага ўзгача ёндашув таклиф этилди. Унда мавжуд талқинлардан фарқли ўлароқ, инвестицион фаолиятнинг икки томони ўз ифодасини топади – инвестицион ресурслар (манбалар)нинг мавжудлиги ва уларни сарфлаш самарадорлиги. Иккинчи таркибий қисмнинг, яъни компонентнинг киритилиши инвестицион салоҳият тушунчасини кенгайтиради ҳамда бу тоифага тўлақонли, мукамал қиёфа беради. Инвестицион салоҳиятни категориал моҳиятини аниқлаш учун муаллиф томонидан «инвестицион майдон» категорияси киритилди. Муаллифнинг қайд этишига кўра, ҳар қандай мамлакат, минтақа, тармоқ, корхона иқтисодиёти муайян инвестицион майдонга эга. Инвестицион майдон эса сифат ўзгаришларини ўз ичига олган инвестицион фаолиятга хос фақатгина макро ва микроиқтисодий жараёнлар таъсири остида турли-туман кўриниш ва шаклга эга инвестиция объектлари ва субъектларининг ўзаро таъсири ҳамда ривожланишидан келиб чиқиб, миқдор ва сифат ўзгаришларига учрайдиган субстанцияни ифодалайди.

Назарияга муаллиф томонидан киритилган инвестицион майдон тушунчаси унга алоқадор бўлган умумий қонуниятларнинг ўзаро мустаҳкам

⁷Eugen Böhm-Bawerk. Positive Theory of Capital // Economic Logic. - 3rd ed. - Washington: Capital Press, 2010. - P.265-266; Шарп У.Ф., Александер Г.Дж., Бэйли Дж.В. Инвестиции. - М.: ИНФРА-М, 2009. - С.; Подшиваленко Г.П. Иностранные инвестиции. - М.: Кнорус, 2010. - С.118.; Марголин А.М., Быстрыков А.Я. Экономическая оценка инвестиций. - М.: «Экмос», 2001. - С.240.; Тумусов Ф.С. Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы, практика. - М.: «Экономика», 1999.- С. 272.

таъсир натижасида инвестицион салоҳият тушунчасига ҳам дахлдор эканини таърифлашга имкон беради (1-расм.).



1-расм. Инвестицион майдон қонуниятларининг принципларининг схемаси⁸.

Энг муҳими, бу инвестицион салоҳият билан инвестицион майдон ва унинг унсурлари ўртасида категориал (тоифа нуқтаи назаридан) алоқа ўрнатишга имкон яратади.

Муаллиф томонидан инвестицион салоҳиятнинг яна бир талқини тавсифланади. Инвестицион салоҳият – бу жорий ва келгусидаги инвестицион ресурслар, улардан муайян бир инвестицион майдон сатҳида фойдаланишнинг реал ва эҳтимолий натижалари орасидаги ўзаро муносабатларнинг йиғиндисидир. Инвестицион салоҳиятга берилган бу таъриф мазкур тушунчанинг асл моҳияти, ўзагига кўра, фақатгина ресурс базаси ва унинг таркибий қисмларинигина тан оладиган бошқа ёндашувлардан тубдан фарқ қилади. Инвестицион салоҳиятнинг ресурслар ва улардан фойдаланиш натижалари йиғиндисини ифодаловчи икки хил тавсифи шуни ифодалайдики, инвестицион ресурслар жалб этилмайди, балки улардан фойдаланиш жараёни натижасида яратилади. Буни тушуниш учун муаллиф назарияга янги иқтисодий тушунча – «иқтисодий салоҳият генерацияси», яъни «иқтисодий салоҳиятнинг юзага келиши» тушунчасини киритди. Инвестицион салоҳиятнинг генерацияси унинг тўлиқ тугалланган юзага келиш жараёнини ҳамда бус-бутун ягона бир тизим сифатида қайта

⁸Муаллиф томонидан тузилган.

ҳаракатланиш жараёнини англатади ҳамда инвестицияларнинг «янги авлоди» юзага келишини кузатиш имконини беради.

Инвестицион салоҳиятнинг юзага келиш жараёни бевосита ресурслар, яъни инвестицион манбалар билан боғлиқ. Ўз навбатида инвестицион майдон мавжудлиги улар пайдо бўлишининг муҳим шарти ҳисобланади. Мазкур майдон доирасида инвестицион салоҳият генерацияси содир бўлади. Бу жараён куйидаги схемада амалга оширилади: ресурслар – ресурслардан фойдаланиш – натижа. Бироқ бу мазкур жараённинг фақатгина битта цикли ҳисобланади. Унинг ортидан иккинчи ва навбатдагилари содир бўлади, чунки инвестицион салоҳият генерацияси узлуксиз жараёндир. Бунда ҳар бир циклда такрорланмас теран сифат ва миқдор ўзгаришлари рўй беради. Генерациянинг асосий белгилари айнан шунда намоён бўлади. Бу биринчидан, ўзгаришларнинг сифатий ва миқдорий характери, иккинчидан, бу ўзгаришларнинг такрорланмаслиги, ва учинчидан, узлуксизлиги ҳамда инвестицион салоҳият генерациясига йўналганлигида ўз аксини топади. Инвестицион салоҳият генерациясининг бу белгилари ижобий ўзгаришларни инвестицион ресурслар механик ҳаракатининг ҳеч бир натижасиз бесамар ёпиқ айланишларга олиб келадиган бетартиб ўзгаришлардан фарқлаш учун зарур саналади. Бундай ҳолатни маъмурий-бошқарув тизимида кузатганмиз, бунда катта миқдордаги инвестицион ресурслар ўзининг янги ҳаётини бошлаш ўрнига тугалланмаган қурилиш объектларида йўқ бўлиб кетган. Бу инвестицион салоҳият генерациясига ҳеч бир алоқасиз ҳолат бўлиб, капитал маблағларни сарфлаш бўйича статистик ўсишни ифодаловчи ривожланишнинг бир кўриниши эди ҳолос.

Диссертациянинг «**Инвестицион салоҳият ривожланиши ва инвестицион фаолият ўсиш суръатини оширишнинг методик асослари**» деб номланган иккинчи бобида инвестицион салоҳият шаклланиши механизмини синергетика назарияси қонуниятлари асосида кўриб чиқишга оид ёндашув, инвестицион жозибадорлик ва фаолликни белгиловчи омилларнинг интеграл таҳлили асосида тузилган макроқўламда инвестицион муҳит ҳолатини баҳолаш методикаси, шунингдек, инвестицион фаолиятни бошқариш самарадорлиги ва таҳлили методикаситақлиф қилинган.

Инвестицион фаолиятни тартибга солишнинг давлат ва бозор механизмлари синергетика назариясининг асосий қонуниятларига мос тушади. У ўзини ўзи бошқаришнинг такаччилик ролига асосланган. Инвестицион жараёнларнинг давлат томонидан тартибга солиниши эса мазкур жараёнларни тўлдиради. Инвестицион жараёнларнинг синергетика назарияси асосида ривожланишига хос муҳим хусусият шундан иборатки, инвестицион ресурслар ҳаддан ортиқ кўп миқдорда йиғилиб қолиши натижасида уларнинг бир маромда бўлмаган, бетартиб жонланиши юзага келади, хорижий инвесторларни жалб қилишда ҳамда инвестицион ресурсларнинг давлат манбаларидан фойдаланишда бу жиҳат эътиборга олинishi зарур. Инвестицияларга оид Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида инвестицион жараёнларнинг давлат ва бозор механизмлари асосида тартибга солишнинг ўзаро нисбати мустаҳкамлаб қўйилган, унга

кўра, давлат инвестицион фаолият билан шуғулланувчи субъектларнинг хўжалик фаолияти ва уларнинг ўзаро муносабатларига аралашмаган ҳолда инвестицион салоҳиятнинг самарали генерациясига шароит яратиш орқали инвестицион жараёнлардаги ўз иштирокини белгилаб олади.

Ҳозирги вақтда нуфузли халқаро ташкилотлар, институтлар ва агентликлар инвестицион муҳитни баҳолашда уч усулдан (иқтисодий-математик усул, факторли таҳлил усули, эксперт баҳолаш усули) бирини ёки уларнинг комбинациясини қўллайдилар. Турли хил методик ёндашувларни қўллаш айти бир давлат ёки давлатларнинг инвестицион муҳитини баҳолашда турли хил натижани беради. Бу ҳолат таҳлил жараёнида баҳолаш ва турли хил омилларни ҳисобга олиш методикасини такомиллаштириш заруратини тақозо этади. Мавжуд методикаларнинг танқидий таҳлили, инвестицион салоҳиятнинг муаллиф томонидан илгари сурилаётган талқинидан келиб чиқиладиган бўлса, инвестицион муҳитни миқдор жиҳатдан баҳолашни интеграл кўрсаткичлар ёрдамида ҳисоб-китоб қилиш зарурати мавжудлигини кўрсатиб турибди. Муаллиф томонидан инвестицион муҳит ҳолатини макрокўламда баҳолаш методикасини инвестицион жозибадорлик ва фаолликни ифодаловчи омилларнинг интеграл таҳлилинини тузиш орқали амалга ошириш таклиф қилинмоқда (2-расм).




2-расм. Инвестицион муҳитнинг умумий индексини аниқлаш схемаси⁹.

Инвестицион муҳитнинг умумий индекси ҳисоби муайян бир давр мобайнида мамлакатдаги инвестицион муҳит билан боғлиқ ўзгаришлар даражасини динамикада баҳолаш имкониятини беради. Бу эса мамлакатда инвестицион муҳитни яхшилаш ва унинг ривожига ғов бўлаётган нозик жиҳатларни, муаммоларни аниқлашга, инвестицион муҳитни хорижий давлатлар ва халқаро стандартлар билан таққослашга, инвестицион жозибадорлик ва фаолликни янада яхшилашнинг келгусидаги имкониятларини белгилашга ёрдам беради.

⁹Муаллиф томонидан тузилган.

Инвестицион салоҳиятнинг шаклланиш жараёни унинг таркибий қисмларини дифференциациялаш заруриятини юзага келтиради. Бу муайян бир тизимнинг бошқа тизим ости қисмларга ва элементларга бўлинишини ифодаловчи ўзига хос жараён бўлиб, бундай тизимли ёндашувда тизим ости қисмлари ва элементлари деганда уларнинг бир-бирига ўхшаш йиғиндилари тушунилади. Шундан келиб чиқиб, назарияга инвестицион салоҳиятнинг шаклланиш механизмининг агрегати категорияси киритилди, мазкур категория остида инвестицион салоҳият шаклланишини бошқариш бўйича ҳамкорликдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида бир неча турдаги воситаларни бир бутун яхлит ҳолда жамлаш, бириктириш тушунилади. Мазкур агрегатлар турли белгиларига –бирор ҳудуд ёки тармоққа йўналтирилганлиги нуқтаи назаридан, инвестициялаш объектлари ва субъектларининг даражаси, инвестицияларнинг тавсифи ва йўналиши, инвестициялаш манбалари ва шакллари, инвестиция объектлари ва субъектларининг мулкӣ шакли, инвестициялаш даври, инвестиция бозорларининг белгилари, инвестициялашнинг якуний мақсади ва шу каби бошқа жиҳатларига кўра дифференциацияланади. Барча агрегатлар бир-бири билан узвий боғлиқ, улар нафақат биргаликда ҳаракатланади, балки бири иккинчиси билан боғлиқ жараёнга кириб бора олади.


Муаллиф томонидан таклиф этилаётган инвестицион салоҳият шаклланиш механизмининг агрегат тизими тегишли методологик усуллар асосида мазкур жараён самарадорлиги таҳлилининг методологик асосларини шакллантириш имконини беради (3-расм).



3-расм. Инвестицион салоҳиятнинг муҳим агрегатларини шаклланишининг принципиал схемаси¹⁰.

¹⁰Муаллиф ишланмалари асосидатузилган.

Инвестицион салоҳият шаклланиш механизмини бундай агрегат тузилма сифатида тасаввур этиш инвестицион салоҳият генерациясининг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган турли хилдаги воситалар йиғиндисини ҳар бир конкрет ҳодиса учун алоҳида ажратиб ўрганиш имконини беради. Тизимнинг муҳим агрегатларидан бири молиявий салоҳият ҳисобланади. Уни баҳолашда қуйидаги индикаторларни (кўрсаткичларни) қўллаш мумкин: қўшимча қиймат (даромад), бюджет ва бюджетдан ташқари фонд маблағлари, аҳоли жамғармалари, хорижий инвестициялар, банк-молия тизимининг кредит ресурслари ва бошқалар. Моддий-ресурс салоҳияти эса моддий неъмат ва хизматларни ишлаб чиқариш учун сафарбар этиладиган табиий ресурслар, ишлабчиқариш қувватлари ва асосий фондларни ўз ичига олади. Инвестицион жараёнларнинг асосий бўғини бўлган инсон салоҳияти кадрларнинг сони, малакаси, демографик таркиби, ишчи кучининг сифати, таълим даражаси ва бошқалар билан тавсифланади. Инновацион салоҳият илмий-техник тараққиётнинг охириги ютуқлари асосида ривожланиш қобилиятини акс эттиради. Инновацияларга мойилликни юқори технологик моддий активлар – инновацион ишлаб чиқаришнинг улуши билан аниқлаш мумкин. Инвестицион салоҳиятни баҳолашнинг жаҳон амалиётида энг кенг тарқалган методик ёндашувларини ўрганиб таҳлил қилган ҳолда муаллиф томонидан интеграл баҳолаш методикаси таклиф қилинган(4-расм).



4-расм. Инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолаш схемаси¹¹.

Таклиф қилинаётган инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолашга агрегат ёндашув усули асос қилиб олинган, уҳар бир агрегатни шакллантирувчи турли хил шароит ва омилларнинг ўзаро боғлиқлигини ва уларнинг жамланган тавсифларини ҳисобга олиш имкониятини беради. Индикаторлар тизимини ҳар бир агрегат кесимида комплекс таҳлил қилиш

¹¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

асосида мамлакатнинг инвестицион салоҳияти даражасини умумий баҳолаш имконияти мавжуд.

Инвестицион салоҳиятни агрегат ёндашув усули асосида баҳолаш натижаларига таянган ҳолда инвестицион салоҳиятни ўсиш захираларини ҳисоблаш методикаси ишлаб чиқилди. Инвестицион салоҳиятни ўсиш захираларини ҳисоблаш инвестицион салоҳият генерациясида бой берилган имкониятларни аниқлаш имконини беради. Ушбу методика инвестицион салоҳият ўсишининг жорий натижалари кўрсаткичларини уларнинг чегаравий натижаларидан четлашиш даражасини ҳисобга олади. Инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолаш тўртта макроиқтисодий агрегатлар асосида амалга оширилган: *F*-молиявий салоҳият; *M*- моддий-ресурс салоҳияти; *I*- инновацион салоҳият; *H*- инсон салоҳияти.

Ўз навбатида ҳар бир агрегат маълум кўрсаткичларни ифодаловчи бир нечта микроагрегатларга бўлинади. Ҳар бир агрегат учун ҳисоб-китобларнинг алгоритмик матричаси ишлаб чиқилган. Якуний кўрсаткич бўлиб, алгоритмик матрица ёрдамида ҳар бир агрегат бўйича ҳисобланган локал найжаларнинг йиғиндиси сифатидаги инвестицион салоҳият ўсиш захираларининг ялпи интеграл натижаси ҳисобланади:

$$C = \sum CF_{1,j} + \sum CM_{2,j} + \sum CI_{3,j} + \sum CH_{4,j} \quad (1)$$

бу ерда:

C - инвестицион салоҳият ўсиш захираларининг интеграл кўрсаткичи;
 $\sum CF_{1,j}$ -молиявий салоҳият ўсиш захираларининг интеграл кўрсаткичи;
 $\sum CM_{2,j}$ - моддий-ресурс салоҳият ўсиш захираларининг интеграл кўрсаткичи;
 $\sum CI_{3,j}$ -инновацион салоҳият ўсиш захираларининг интеграл кўрсаткичи;
 $\sum CH_{4,j}$ -инсон салоҳияти ўсиш захираларининг интеграл кўрсаткичи.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда инвестицион салоҳиятни ҳолати, тенденциялари васамарали фойдаланиш захиралари**» деб номланган учинчи бобида муаллиф томонидан таклиф этилган ёндашувлар асосида Ўзбекистон Республикасида инвестицион салоҳият шаклланиш механизми самарали ишлашининг комплекс агрегат таҳлили келтирилган.

Интеграл баҳолаш методикаси алоҳида таркибий агрегатларни ажратиш йўли билан ялпи инвестицион салоҳиятни ташкил этишни назарда тутаяди, уларни балл тизимида баҳолаш эса, субъектив равишда муҳимлик коэффицентини аниқлайди (1-жадвал).

Умуман олганда, Ўзбекистонда инвестицион салоҳият интеграл баҳосининг (3,0 балл) умумий кўрсаткичи (6,0 балли шкала бўйича паст, ўртача ва юқори деб баҳоланганда) ўртача даражага тўғри келмоқда. Республикада инвестицион жараёнларни фаоллаштириш мақсадида ресурслар ҳажмини ошириш ҳамда улардан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ ҳалигача фойдаланилмаётган жуда катта имконият ва захиралар мавжуд.

Мамлакатда инвестицион салоҳият даражасининг интеграл баҳолаш


Индикаторлар	Балли баҳо	Мухимлик коэффициентлари	Умумий балли баҳо
I. Молиявий салоҳият (0 дан 10 баллгача)			
1.1. ЯИМда ялпи жамғармалар улуши	3,0	1,70	5,1
1.2. Давлат бюджетива бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари	5,0	1,20	6,0
1.3. Корхоналар маблағлари амортизация фонд билан биргаликда	4,0	1,35	5,4
1.4. Аҳоли маблағлари	3,0	1,20	3,6
1.5. Хорижий инвестициялар	3,0	1,20	3,6
1.6. Банк кредитлари	5,0	1,35	6,7
1.7. Фонд бозори	1,0	1,0	1,0
1.8. Инвестицияларнинг ишлаб чиқариш ва технологик структураси	2,0	1,0	2,0
Агрегат бўйича интеграл баҳо	-	10,0	4,2
II. Моддий-ресурс салоҳият (0 дан 6 баллгача)			
2.1. Моддий-ресурс базаси	3,0	0,75	2,3
2.2. Асосий фондларнинг янгиланиш даражаси	1,0	1,75	1,8
2.3. Асосий фондларнинг емирилиши даражаси	1,0	1,75	1,8
2.4. Машинасозликнинг ривожланиш даражаси	2,0	1,50	3,0
2.5. Қурилиш материаллари саноатини ривожланиш даражаси	2,0	1,25	2,5
2.6. Қурилиш-пудрат ишлари бозорининг ривожланганлик даражаси	1,5	1,50	2,3
2.7. Ишлаб чиқариш қувватларининг ишлатилиш даражаси	3,0	0,75	2,3
2.8. Иқтисодий структураси	3,0	0,75	2,3
Агрегат бўйича интеграл баҳо	-	10,0	2,3
III. Инновацион салоҳият (0 дан 4 баллгача)			
3.1. ИТТКИ ривожланганлик даражаси	2,0	1,50	3,0
3.2. ЯИМда ИТТКИга харажатлар улуши	1,0	1,0	1,0
3.3. Лойиҳа-конструкторлик ишларининг ривожланганлик даражаси	1,0	1,0	1,0
3.4. ИТТКИда банд бўлганларнинг умумий сонидан илмий-техник ходимларнинг улуши	2,0	1,40	2,8
3.5. ИТТКИнинг фондлар билан таъминланганлик даражаси	1,5	1,20	1,8
3.6. ИТТКИнинг техника билан таъминланганлик даражаси	1,5	1,20	1,8
3.7. ИТТКИга харажатлар структураси	2,0	1,35	2,7
3.8. Илм талаблик даражаси	2,0	1,35	2,7
Агрегат бўйича интеграл баҳо	-	10,0	2,1
IV. Инсон потенциали (0 дан 4 баллгача)			
4.1. Меҳнат ресурслари	3,0	2,50	7,5
4.2. Бандлик даражаси	2,0	1,25	2,5
4.3. Қурилишда бандлар улуши	2,0	1,25	2,5
4.4. Инвестицион фаолият билан бандлар улуши	2,0	1,25	2,5
4.5. Қурилишда олий маълумотли бандлар улуши	1,5	1,00	1,5
4.6. Профессионал коллежларда ўқувчилар улуши	2,5	1,75	4,3
4.7. Инжиниринг, қурилиш, архитектура мутахассилиги бўйича таълим олуви талабалар улуши	1,5	1,00	1,5
Агрегат бўйича интеграл баҳо	-	10,0	3,2
Макрокўламда инвестицион салоҳиятнинг ялпи интеграл баҳоси	-	-	3,0

¹² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари ва Прогнозлаштириш ва макроиктисодий тадқиқотлар институти ишланмалари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Инвестицион салоҳият ва уни ташкил қилувчи агрегатларнинг тўлақонли самарадорлигини таъминлашда қулай инвестицион муҳитни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатнинг инвестицион муҳити бир томондан инвестицион жозибadorликнинг хусусий индикаторлари тизими, иккинчи томондан, умумий интеграл индексга чиқувчи инвестицион фаоллик индикаторлари билан баҳоланиши асосланди. Инвестицион жозибadorликни баҳолаш учун қуйидаги: макроиктисодий, табиий-демографик, ҳуқуқий-меъёрий ва ахборот тарзидаги хусусий индикаторлар қўлланилган. Умуман олганда, ҳисоб-китоблар инвестицион жозибadorликни яхшилаш борасидаги ўсиш динамикаси ижобий эканини кўрсатмоқда.

Инвестицион муҳитни ифодаловчи иккинчи кўрсаткич бўлиб иқтисодиётда инвестициялар ўсиш суръатини таъминловчи реал ўзгаришлар ҳисобланади. Бу ерда асосий хусусий индикаторлар бўлиб қуйидагилар хизмат қилади: асосий капиталга инвестицияларнинг ўсиши, хорижий инвестициялар, корхоналар инвестициялари, аҳоли инвестициялари, банклар инвестициялари.

Ҳисоб-китобларнинг кўрсатишича, инвестицион фаоллик борасидаги ўсиш динамикасида ижобий натижани қайд этган ҳолда, асосий ўринни корхоналарнинг инвестициялари (2010-2016йй.) ва аҳоли инвестициялари (2005-2016йй.) эгаллаб турибди. Банк инвестицияларининг ҳам салоҳияти ортиб бормоқда, уларнинг индекси 0,70 дан 0,9 га кўтарилганлигини кузатиш мумкин. 2000-2005 йилларда ижобий ўсиш суръатлари кузатилгани ҳолда, сўнгги йилларда хорижий инвестициялар улушига тўғри келадиган фаолликнинг сустлашгани кўзга ташланмоқда, хорижий инвестицияларнинг бу борадаги индекси 2005 йилдаги 1,26 дан 2010 йилга келиб 0,81 га ва 2016 йилга келиб 0,89 га камайган. Шунинг учун ҳам инвестицион жараёнларни фаоллаштиришдаги муайян салоҳият корхоналар ва аҳоли маблағларининг сафарбар этилиши, шунингдек, жалб қилинаётган хорижий инвесторларнинг маблағлари билан боғлиқ. Мамлакатдаги инвестицион муҳитнинг умумий индекси инвестицион жозибadorлик ва фаоллик индексларининг натижаларини эътиборга олинган ҳолда ҳисобланиши тавсия этилади (5-расм).



5- расм. Инвестицион муҳитни баҳоланишнинг интеграл индекси¹³

¹³ Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

Инвестицион муҳитнинг интеграл индексига оид ҳисоб-китоблар ишбилармонлик муҳитининг жуда суғустанлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамадан инвестицион муҳит ўсишдан тўхтаб турғун бир вазиятда турибди. Бу ерда инвестицион фаоллик индексининг пасайиши асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ҳолат инвестицион фаоллик ва жозибadorлик индексининг ўсиши (пасайиши) ўртасида муайян номуносивлик борлигини кўрсатади.

Шакллантирилаётган инвестицион жозибadorлик ҳозирча инвестицион жараёнларнинг фаоллигини зарур даражада таъминлай олмаяпти. Бу ўринда гап сармоядорларга имтиёз ва преференциялар бериш механизми ва усуллари тизимининг самарadorлиги, натижавийлиги етарли даражада эмаслиги ҳақида бормоқда. Қулай инвестицион муҳитни шакллантириш бўйича инвестицион ресурслардан, берилган имтиёزلардан фойдаланиш даражасидан келиб чиққан ҳолда, биз инвестицион салоҳиятдан кенг кўламли фойдаланишнинг натижавийлиги ва самарadorлиги даражасини аниқлашга муваффақ бўлдик (2-жадвал).

2-жадвал

Инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш натижалари¹⁴

Макроиктисодий индикаторлар	2005-2016й. Индикаторларнинг ўсиш суръати (маротаба)	2005-2016й Инвестицияларнинг ўсиш суръати (маротаба)	Натижавийлик индекси*
ЯИМ	2,4	4,3	0,558
Саноат**	2,5	4,7	0,532
Қишлоқ хўжалиги**	1,9	3,4	0,559
Қурилиш**	6,3	18,4	0,342
Асосий фондлар (умумий иқтисодиёт бўйича)	2,0	4,0	0,500
Фойда (умумий иқтисодиёт бўйича)	1,5	4,0	0,375

*Натижавийлик индекси – макроиндикаторлар йиллик ўсиш суръатининг инвестициялар йиллик ўсиш суръатига нисбати.

**Инвестицияларни киритиш йўналишлари бўйича ҳисобланган (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш).

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига йўналтирилган инвестициялар ҳажмига тўхталадиган бўлсак, инвестицион салоҳиятдан кенг кўламли фойдаланишнинг бу борадаги умумий натижавийлиги у қадар юқори эмаслиги маълум бўлди.

Ўзбекистонда инвестицион салоҳият ҳажмининг изчил ўсиб бориши ҳолатида, унинг натижавийлиги борасида ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатдан пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Динамика борасидаги бу салбий ҳолат, шунингдек, инвестицияларнинг самарadorлиги индикаторларига ҳам тааллуқли. Албатта, бундай ҳолат юзага келишига сабаб бўлган бир қатор объектив ва субъектив омиллар бор. Бу ҳолат маълум даражада собик иттифоқ мамлакатларига хос бўлган хўжалик юритишнинг бозор

¹⁴Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинган.

механизмларига ўтиш даврида юзага келган муайян инвестицион бўшлиқ ва унинг ортидан зиммага тушаётган юқори даражадаги инвестицион юк, оғирлик билан боғлиқ ўзига хосликлар ва қийинчиликларни объектив омиллар сифатида қайд этиб ўтиш жоиз. Субъектив омилларга эса инвестицион салоҳиятдан фойдаланишнинг устувор тузилмавий йўналишларини белгилайдиган узоқ муддатли инвестицион сиёсатнинг мавжуд эмаслиги, ягона инвестицион майдон доирасида инвестицион жараёнларни тизимли равишда бошқариш менежменти даражасининг пастлиги, хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва мамлакат инвестицион салоҳиятининг ички захираларини сафарбар қилиш учун мавжуд инвестицион муҳитнинг етарли эмаслиги каби омилларни киритиш мумкин.

Юқорида келтирилган инвестицион салоҳиятни интеграл баҳолаш натижалари ваўсиш захираларини ҳисоблаш методикаси асосида Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицион салоҳиятни рвиожлантиришнинг бой берилган имкониятларини аниқлаш имкони яратилди (3-жадвал).

3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси инвестицион салоҳиятининг ўсиш захиралари

Индикаторлар	Инвестицион салоҳиятнинг жорий ҳажми	Максимал чегаравий қиймати бўйича микроагрегатлар захиралари	Максимал чегаравий қийматига эришиш бўйича захиралар
I. Биринчи квадрант: молиявий салоҳият (0 дан 10 баллгача)			
Молиявий салоҳият агрегати бўйича интеграл қиймат	16702,2	35536,6	18834,4
II. Иккинчи квадрант: моддий-ресурс салоҳияти (0 дан 6 баллгача)			
Моддий-ресурс салоҳияти агрегати бўйича интеграл қиймат	9370,2	20822,7	11452,5
III. Учинчи квадрант: инновацион салоҳият (0 дан 4 баллгача)			
Инновацион салоҳият агрегати бўйича интеграл қиймат	6518,4	13722,9	7204,5
IV. Тўртинчи квадрант: инсон салоҳияти (0 дан 4 баллгача)			
Инсон салоҳияти агрегати бўйича интеграл қиймат	8146,5	14167,8	6021,3
Макроқўламда инвестицион салоҳиятнинг ялли интеграл қиймати	40737,3	84250	43512,7

Жадвал натижаларидан шуни кўриш мумкинки, инвестицион салоҳиятнинг ўсиш захиралари унинг жорий қийматларидан қарийиб икки мартаба юқори.

Диссертациянинг «**Инвестицион салоҳиятнинг ўсиш суръатларини оширишнинг стратегияси ва устувор йўналишлари**» деб номланган тўртинчи бобда инвестицион стратегияни амалга ошириш механизмларининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклифлар шакллантирилган, барқарор иқтисодий ўсишни таъминловчи узоқ муддатга мўлжалланган ривожланиш ҳамда инвестицион салоҳиятнинг асосий

агрегатларидан фойдаланишнинг 2030 йилгача бўлган мақсадли йўналишлари ишлаб чиқилган.

Иқтисодиётда модернизация жараёнларини кучайтиришнинг ҳозирги босқичида рақобатбардошликни ошириш, Ўзбекистонда хўжалик юритишнинг бозор механизмларини яхшилаш узоқ муддатга мўлжалланган мақсадлар, вазифалар, уларга эришиш йўллари ва методлари, макро- и микродаражадаги устувор вазифаларни белгилаб олишнинг чуқур асосланган стратегик бошқарув усулларини шакллантириш заруратини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев яқин ва ўрта муддатга белгиланган Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш зарурати ҳақида мулоҳаза юритиб: «Бу стратегия давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш, ижтимоий соҳани ривожлантиришни жадаллаштириш ва фаол ташқи сиёсатни амалга оширишга оид бешта асосий устувор йўналишни қамраб олади»¹⁵, – деб таъкидлаган. Юқоридагиларни умумлаштирган ҳолда, шуни таъкидлаш жоизки, узоқ муддатли истиқболда иқтисодиётни, энг аввало, инвестицион сиёсатни ривожлантириш стратегиясианиқ мақсадга йўналтирилган ҳолда инвестицион майдон ва оқимларни тартибга солиш, бу жараёнда иштирок этувчи давлат ва нодавлат тузилмалари фаолиятини, ҳудудий ва тармоқ бошқарув органлари фаолиятини мувофиқлаштириш, сармоядорларни жалб қилиш учун қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, иқтисодий ривожланишнинг самарадорлиги ва натижавийлигини ошириш, ташқи ва ички инвестицион хатарларга ўз вақтида эътибор бериш мақсадида амалга оширилиши зарур. Расман эълон қилинган 2017 йил ва ундан кейинги йилларда амалга ошириладиган устувор иқтисодий ва ижтимоий мақсадли дастурлари тараққиёт ва инвестицион сиёсат стратегиясини шакллантиришда муҳим дастуруламал бўлувчи ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, инвестицион сиёсат ҳамда инвестицион салоҳиятни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди (6-расм).

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган инвестицион сиёсатни амалга ошириш босқичлари, қонуниятлари, тенденциялари ва ҳолатининг ретроспектив таҳлили натижасида аниқланган тизимли муаммолар, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш имкониятлари ва захиралари, глобал инвестицион жараёнларнинг устувор йўналишлари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг расман белгиланган устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган инвестицион сиёсатнинг стратегик вазифаларининг инвестицион салоҳиятнинг ҳар бир агрегати бўйича концептуал асослари таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 мартдаги Фармони асосида Ўзбекистон Республикасида Инвестициялар қўмитасининг

¹⁵ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Т.: «Ўзбекистон», 2016. –56-б.

ташкил этилганлиги инвестицион салоҳият шаклланиши ва ривожланиши самарадорлигини ошириш борасида муҳим қадам бўлди.



6-расм. Инвестицион салоҳиятни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш тартиби¹⁶.

Мазкур қўмита ўз фаолиятининг дастлабки босқичида инвестицион сиёсатни такомиллаштириш мақсадида қуйидагиларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ: инвестицион жараёнларнинг иқтисодий ўсиш суръатлари ва миллий иқтисодиётни экспортга йўналтиришга кўрсатувчи таъсирини кучайтириш мақсадида инвестицион салоҳиятни шакллантириш ва ривожлантириш стратегиясининг узоқ муддатли Давлат дастурини ишлаб чиқиш; инвестицион жараёнларни макроиқтисодий тартибга солишда хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш билан бир қаторда аста-секинлик билан инвестицион салоҳиятнинг хусусий (ички) генерацияси методологиясига ўтиш, шу муносабат билан тегишли қонун ва қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Инвестицион Кодекси янги лойиҳасини ишлаб чиқиши зарур.

Инвестицион салоҳият ва унинг агрегатларини сафарбар этишнинг мақсадли йўналишларини аниқлаш учун нуфузли илмий-текшириш институтлари томонидан ишлаб чиқилган макроиқтисодий индикаторларнинг қиёсий таҳлили, дастурлар доирасида расман қабул қилинган мақсадли кўрсатмалар, ўрта муддатли мақсадли ҳудудий ва тармоқ дастурларига оид кўрсаткичлар, жаҳон амалиётини эътиборга олган ҳолда, чегаравий индикаторлар орқали инвестицион хавфсизликни таъминлашнинг экспертлар томонидан баҳоланган кўп омилли ёндашувлари қўлланилган.

¹⁶Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Агрегатлар таҳлили 2017–2030 йилларга белгиланган мақсадли макроиқтисодий параметрлардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган.

Ўзбекистон ҳукумати томонидан 2030 йилга қадар ЯИМ ҳажмини 2 бараварга ошириш муҳим мақсадли вазифа сифатида белгиланган. Башоратларга кўра, иқтисодий ўсишнинг кўзда тутилган параметрлари 2017–2021 йилларда 1,5 баробарни, 2017-2030 йилларда эса 2,6 баробарни ташкил этади. 2017-2021 йилларда ЯИМ миқдорининг ўсиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган 20 дан ортиқ тармоқ ва 14 та ҳудудий давлат дастурларининг натижаларига бевосита боғлиқ. 2022-2030 йилларга белгиланган йўналишлар мамлакат инвестицион салоҳиятидан самарали фойдаланишга асосланган ҳолда белгиланган.

Инвестицияларнинг белгиланган ҳажми ва иқтисодиёт тармоқлари ҳамда саноатнинг уларга бўлган талаби келгусида инвестицион салоҳият ва унинг асосий таркибий агрегатлари бўйича сафарбарликни прогнозлаштириш имконини беради (4-жадвал).

4-жадвал

Узоқ муддатли истиқболга молиявий салоҳият таркибини шакллантириш, фоизда¹⁷

Молиявий агрегатлар	2005й.	2010й.	2015й.	2020й.	2025й.	2030й.
Бюджет ванобюджет маблағлар	23,9	16,7	20,8	19,0	17,0	16,0
Корхона маблағлари	46,0	33,0	30,9	28,0	31,0	34,0
Аҳоли маблағлари	11,4	16,0	21,1	20,0	17,0	15,0
Банк кредитлари	3,8	9,7	11,7	14,0	18,0	20,0
Хорижий инвестициялар	21,7	28,3	20,1	22,0	23,0	25,0

Истиқболда инвестицияларнинг марказлашган маблағлари улушининг камайишига қарамасдан, улар аҳолининг муносиб ҳаёт даражаси ва яшаш сифатини таъминлашда, ижтимоий барқарорлик, давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлиги борасида етакчи роль ўйнайди. Ижтимоий ривожланишга йўналтирилган 55-60% дан кам бўлмаган бюджет харажатлари узоқ муддатли мақсадли йўналишлар сифатида сақланиб қолади. Узоқ муддатли истиқболда инвестицион циклнинг моддий-ресурс салоҳиятини ривожлантиришнинг юксак имконияти ва захираларини ишга тушириш зарур (5-жадвал).

5-жадвал

Узоқ муддатли истиқболда моддий-ресурс салоҳияти асосий агрегатлари ривожланишининг мақсадли мўлжаллари¹⁸

Индикаторлар	2005 й.	2010 й.	2015 й.	2016 й. баҳолаш	2017-2021 йй*.	2022-2030 йй*.
Ўртача йиллик инвестицияларни ўсиш суръатлари	5,7	8,7	9,6	7,7	11,0	13,0
ЯИМ да инвестициялар улуши	19,8	24,6	24,3	25,0	26,0	30,0

¹⁷Манба: тренд ва мавжуд салоҳиятни амалга ошириш асосида ҳисоб-китоб қилинган.

¹⁸Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, ўрта муддатли мақсадли давлат дастурлари ва эксперт баҳолаш асосида ҳисоб-китоб қилинган.

Қурилиш						
Ўртача йиллик инвестицияларни ўсиш суръатлари	7,0	9,2	8,5	9,0	10,0	11,0
Ўртача йиллик қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръатлари	10,7	5,1	26,8	25,8	17,0	18,0
ЯИМда тармоқлар улуши, % да	4,8	6,5	7,3	7,2	7,4	8,0
Саноат						
Ўртача йиллик инвестицияларни ўсиш суръатлари	9,0	13,0	10,2	11,5	18,1	26,4
Ўртача йиллик маҳсулот ҳажмини ўсиш суръатлари	7,2	8,5	7,9	6,2	10,2	15,0
Саноат умумий ҳажмида тармоқ улуши, % да	21,1	23,9	25,7	25,7	17,0	21,0

*Йил охирига, 2021 ва 2030 йй.

Ҳисоб-китобларга кўра, мамлакатда 2030 йилга келиб инвестицион салоҳият таркиби қуйидаги нисбатларда шаклланиши керак: 50% молиявий салоҳият (35-40% сафарбарлик захираси билан), моддий-ресурс салоҳияти 25,0% (25-30% захираси билан), инновацион салоҳият 15,0% (15-20% захираси билан), инсон салоҳияти 10% (10-15% захираси билан).

Инвестицион сиёсатни амалга оширишнинг механизми давлатнинг бу борадаги муҳим етакчилик ролини тасдиқлади. Давлатнинг бу борадаги етакчилиги инвестицион салоҳиятни, шу жумладан, давлат маблағларини бошқариш, инвестицион сиёсатни тавсия этилган стратегия асосида олиб боришда намоён бўлади. Инвестицион фаолиятни жонлантириш механизмлари инвестицияларни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг турли шакл ҳамда кўринишларини қўллаган, унинг алоҳида агрегатларини сафарбар этган ҳолда, очиклик ва доимийлик асосидаги узок муддатлилик хусусиятига эга (7-расм).




7-расм. Инвестицион салоҳият генерацияси асосий механизмларининг шаклланиш схемаси¹⁹.

¹⁹Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Умуман олганда, инвестицион салоҳият ва унинг агрегатлари генерациясининг таклиф этилаётган умумий ва ўзига хос механизмлари, уларни такомиллаштириш усуллари барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, давлатнинг иқтисодий ва инвестицион хавфсизлигини, инвестицион ресурслар натижавийлиги ва самарадорлигини таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида инвестицион жараёнларни сезиларли равишда жонлаштириш имконини беради.

Дастурли-мақсадли ёндашув–инвестицион салоҳиятдан фойдаланишнинг узоқ муддатли стратегиясини амалга ошириш бўйича дунёамалиётида қўлланилаётган нисбатан янги механизм ҳисобланади. Мазкур механизм – мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг кўплаб йирик масалаларини ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш механизми саналади. Унинг моҳияти кўзланган мақсадларга эришиш учун ўзаро мувофиқлашган ҳолда ресурслар билан таъминлаш, шу жумладан, инвестицион салоҳиятдан оқилона фойдаланиш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадли йўналишларини танлаб олиш ва асослашда намоён бўлади (8-расм).



8-расм. Инвестицион салоҳиятдан фойдаланишнинг дастурли-мақсадли ёндашувини амалга оширишнинг принципиал схемаси²⁰.

²⁰Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Узоқ муддатли истиқболда инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш-нинг дастурли-мақсадли ёндашувини амалга оширишнинг тавсия этилаётган принципиал схемаси кўзланган натижаларга эришишнинг аниқ мақсадларини тузишни назарда тутди. Мазкур ёндашувни тадқиқот объектига нисбатан қўлланадиган бўлса, биринчи босқичда барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш устуворлигидан келиб чиққан ҳолда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг узоқ муддатли мақсадлари белгилаб олинади. Навбатдаги иккинчи босқичда иқтисодий ривожланиш суръатлари ва тармоқларга оид устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётни тузилмавий шакллантириш мақсадлари белгиланади. Учинчи босқичда саноатни тузилмавий шакллантиришнинг мақсадли йўналишлари асосланади ҳамда унга мувофиқ равишда инвестицион дастур шакллантирилади. Тўртинчи босқич тегишли мақсадли инвестицион дастур асосида инновацион тараққиётнинг мақсадли йўналишлари ва уларнинг ресурслар бўйича мувозанатини асослашни тақозо этади.

Инвестицион салоҳиятнинг узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган захираларини мавжуд трендлар, халқаро амалиёт, ишлаб чиқилган иқтисодиётни ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда баҳолаш инвестицион сиёсатни, доимий инвестицион муҳитни ва иқтисодий рағбатлантириш механизмларини шакллантириш шарти асосида изчил фаоллаштириш имкониятини беради.

ХУЛОСА

«Ўзбекистон республикасида инвестицион салоҳият ривожланишининг илмий -методологик асосларини такомиллаштириш» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Инвестицияларнинг илмий назариясига инвестицион салоҳият ва инвестицион майдон категориялари киритилиши, генерация жараёнида инвестицион салоҳиятнинг энг самарали ва аҳамиятли йўналишларини белгиловчи омилларнинг ўзига хос синф ва тоифаларига ажратилиши, инвестицион майдон тушунчасининг ўзига хос қонуниятларга бевосита узвий боғлиқлиги инвестицион салоҳият қонуниятини ҳам таърифлаш имконини беради.

2. Қулай инвестицион муҳитни яратиш статистика ва динамика нуқтаи назаридан кўриб чиқилган инвестицион салоҳиятни сафарбар қилиш ва унинг генерацияси билан боғлиқ энг муҳим йўналишлар ҳисобланади. Таклиф этилаётган инвестицион муҳитни интеграл баҳолаш методологияси, стандарт ёндашувлардан фарқли ўлароқ, динамик ўзгаришларни ҳам ҳисобга олади. Муаллиф томонидан таклиф қилинаётган баҳолаш методикаси макроқўламда инвестицион муҳит жозибадорлиги ва фаоллигини белгиловчи омилларнинг интеграл таҳлилини қуриш йўли билан мамлакат инвестицион муҳитини яхшилаш ва ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш, уларни хориж ва жаҳон стандартлари билан таққослаш асосида инвестицион

жозибаторлик ва фаолликни яхшилаш имкониятларини белгилаш имконини беради.

3. Инвестицион салоҳиятнинг шаклланиш жараёни унинг таркибий қисмларини дифференциациялаш заруриятини юзага келтиради. Шундан келиб чиқиб, муаллиф томонидан назарияга инвестицион салоҳият шаклланиш механизмининг агрегати категорияси ва инвестицион салоҳият ва унинг агрегатларини баҳолаш методикаси киритилди. Инвестицион салоҳиятнинг энг муҳим агрегатлари сифатида молиявий, моддий-ресурс, инновацион ва инсон ресурслари ажратилди ва асосланди. Инвестицион салоҳиятнинг шаклланиш механизмларини агрегат таркиби бўйича тақдим этиш, бутун инвестицион жараённи янгича кўриш, ҳар бир алоҳида вазиятда инвестицион салоҳиятни самарали генерациясини таъминлашга йўналтирилган жамланган турли хил инструменларни ажратиш имконини беради.

4. Охириги йилларда Ўзбекистонда юқори суръатларда эришилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, энг аввало, инвестицион фаолиятнинг юқори даражада кўллаб-қувватланиши, инвесторлар учун қулай шароит ва ишбилармонлик муҳитининг яратилиши билан боғлиқ. Шу билан бирга, тизимли таҳлиллар кўрсатганидек, хусусан инвестицион салоҳият генерациясининг тармоқ, технологик, такрор ишлаб чиқариш, институционал ва функционал структурасида макроиқтисодий ва инвестицион пропорциялар ўртасида уйғунлик ва мувозанатнинг етарли даражада эмаслиги билан боғлиқ бир қатор тизимли муаммолар мавжуд. Инвестициялардан фойдаланиш самараси жуда паст. Қурилиш, машинасозлик, қурилиш материаллари саноати, лойиҳа-конструкторлик институтлари, менежмент ва кадрлар тайёрлаш каби тармоқ агрегатлари ролини ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

5. Инвестицион салоҳият генерацияси самарадорлигини интеграл баҳолаш шуни кўрсатдики, молиявий салоҳиятнинг таркибий қисмларини баҳолашда унинг энг юқори рейтингга эга эканлигига қарамасдан, энг биринчи навбатда, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш, банк тизими капиталини кенгайтириш, аҳоли жамғармаларини сафарбар қилиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобидан катта захирага эга; иккинчи ўринни эгаллаган моддий-ресурс салоҳиятида муҳим йўналишлар – асосий фондларни янгилаш, машинасозлик ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш ҳисобланади; инновацион салоҳиятда ривожланиш захиралари сифатида лойиҳа-конструкторлик ишланмалари ва ИТТКИ нинг натижавийлигини ошириш намоён бўлади; инсон салоҳияти ривожланишида инвестицион циклнинг барча бўғинлари бўйича юқори малакали кадрларни тайёрлаш устувор йўналиш бўлиб хизмат қилади.

6. Инвестицион муҳитнинг умумий индексига оид ҳисоб-китоблар ишбилармонлик муҳитининг жуда суст ўсаётганлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, сўнгги йилларда амалга оширилаётган чора-тадбирларга қарамасдан инвестицион муҳит ўсишдан тўхтаб турғун бир вазиятда турибди. Бу ерда инвестицион фаоллик индексининг пасайиши асосий омил

бўлиб хизмат қилмоқда. Бу ҳолат инвестицион фаоллик ва жозибadorлик индексининг ўсиши (пасайиши) ўртасида муайян номуносивлик борлигини асослаб берилди.

7. 2017 йил ва ундан кейинги йилларда амалга ошириладиган устувор иқтисодий ва ижтимоий мақсадли дастурлари тараққиёт ва инвестицион сиёсат стратегиясини шакллантиришда муҳим дастурамал бўлувчи ҳужжатлардан бири ҳисобланади. Мамлакат иқтисодий ривожланишининг стратегик вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, инвестицион сиёсат ҳамда инвестицион салоҳиятни ривожлантириш стратегияси ишлаб чиқилди.

8. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда инвестицион сиёсатни амалга ошириш босқичлари, қонуниятлари, тенденциялари ва ҳолатининг ретроспектив таҳлили натижасида аниқланган тизимли муаммолар, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлаш учун қўшимча ресурсларни жалб этиш имкониятлари ва захиралари, глобал инвестицион жараёнларнинг устувор йўналишлари, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг расман белгиланган устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган инвестицион сиёсатнинг стратегик вазифалари инвестицион салоҳиятнинг ҳарбир агрегати бўйича концептуал асослари таклиф қилинди.

9. Узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашни назарда тутган инвестицион таъминот, инвестицион салоҳият имкониятлари билан мувозанатлашган иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларини сифатли амалга ошириш, инвестицион дастурда шакллантириладиган саноатни ривожлантиришнинг устувор мақсадли йўналишларига эришиш, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган натижаларга эришиш ва муносиб инвестицион лойиҳаларнинг мақсадли инвестицион дастурлар пакетини назарда тутган инвестицион салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигининг дастурларга мос мақсадли ёндашуви ишлаб чиқилган.

10. Инвестицион салоҳиятни сафарбар этиш доирасида инвестицион салоҳият генерациясининг умумий ва ўзига хос механизмлари тавсия қилинган. Инвестицион салоҳият ва унинг агрегатлари генерациясининг таклиф этиладиган умумий ва ўзига хос механизмлари, уларни такомиллаштириш усуллари барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларини, давлатнинг иқтисодий ва инвестицион хавфсизлигини, инвестицион ресурслар натижавийлиги ва самарадорлигини таъминлаш бўйича қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида инвестицион жараёнларни сезиларли равишда жонлаштириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. I.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА НАУК ПРИ БАНКОВСКО-
ФИНАНСОВОЙ АКАДЕМИИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН И
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ЭКОНОМИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ХАШИМОВА НАИМА АБИТОВНА

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАУЧНО-МЕТОДОЛОГИЧЕСКИХ ОСНОВ
РАЗВИТИЯ ИНВЕСТИЦИОННОГО ПОТЕНЦИАЛА В РЕСПУБЛИКЕ
УЗБЕКИСТАН**

08.00.02 – Макроэкономика

АВТОРЕФЕРАТ

докторской (Doctor of Science) диссертации по ЭКОНОМИЧЕСКИМ наукам

город Ташкент-2017 год

Тема докторской диссертации (DoctorofScience) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан B2017.1.DSc/Igt11.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации размещён на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб сайте Научного совета (www,bfa.uz) и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный консультант

Турсунходжаев Марат Лутфуллаевич
доктор экономических наук, профессор

Официальные оппоненты

Усмонов Анвар Саидмахмудович
доктор экономических наук, профессор

Тростянский Дмитрий Валерьевич
доктор экономических наук, профессор

Абулқосимов Хасан Пирназарович
доктор экономических наук, профессор

Ведущая организация

Филиал РГЭУ имени Г.В.Плеханов в Ташкенте

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 года в _____ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017. I.15.01 по присуждению ученой степени при Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан и Ташкентском государственном экономическом университете по адресу: 100000, город Ташкент, ул.Мовароуннахр, 16. Тел.: (+99871) 237-53-25, факс: (+99871) 237-5401, e-mail: info@bfa.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Банковско-финансовой академии Республики Узбекистан (зарегистрирована под номером___) Адрес: 100000, город Ташкент, ул.Мовароуннахр, 16. Тел.: (+99871) 237-53-25, факс: (+99871) 237-5401, e-mail: info@bfa.uz.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(протокол реестра ___ от «___» _____ 2017 года)

А.Ш.Бекмуратов

Председатель научного совета
по присуждению ученой степени,
доктор экономических наук,
профессор

У.В.Гафуров

Учёный секретарь научного совета
по присуждению ученой степени,
доктор экономических наук, доцент

Н.М.Махмудов

Председатель научного семинара
на основе научного совета по
присуждению ученой степени,
доктор экономических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях глобализации мирового хозяйства и дефицита финансовых ресурсов, для подавляющего большинства стран мира актуальной задачей являются наращивание инвестиционного потенциала и эффективное использование инвестиций. В докладе о мировых инвестициях Организации Объединённых Наций «Реформирование управления международными инвестициями» (World investment report 2015) зарубежные исследователи признают инвестиционный потенциал в качестве своеобразного выражения «большой внутренней силы страны»¹. Не вызывает сомнений, что наращивание инвестиционного потенциала, его оптимальное формирование и эффективное использование инвестиций выступают одним из важнейших факторов развития.

На международном уровне уделяется особое внимание совершенствованию инвестиционной политики с целью соединения и практической реализации двух важных задач – обеспечение экономического роста и активизация инвестиционного процесса, совершенствованию научно-методологических основ эффективных механизмов мобилизации инвестиционных возможностей, разработке стратегии развития инвестиционного потенциала.

С первых лет независимости в Узбекистане последовательно проводится политика, направленная на создание благоприятного инвестиционного климата, привлечение в страну зарубежных инвестиций, повышение привлекательности инвестиционной деятельности. Реализация комплекса мер по стимулированию спроса на инвестиции, расширению ресурсной базы инвестиций, созданию благоприятного инвестиционного климата дало возможность увеличению объёма инвестиций в долларовом эквиваленте в 19 раз. Произошли положительные сдвиги в динамике основных макроэкономических индикаторов развития инвестиционных процессов в последние 20 лет. Но следует отметить что существуют ещё недостаточно используемые резервы и возможности по привлечению инвестиций. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах отдельно подчёркнута необходимость «проведения активной инвестиционной политики» и повышения инвестиционной привлекательности для иностранных инвесторов².

Данная диссертационная работа на определённом уровне служит реализации задач, предусмотренных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, № УП-4931

¹ Доклад о мировых инвестициях, 2015 год. Реформирование управления международными инвестициями. Организация Объединённых Наций. Нью-Йорк и Женева, 2015 г. www.worldinvestmentreport.org

² Указ Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года. УП-4947. www.lex.uz

«О дополнительных мерах по активизации и расширению деятельности свободных экономических зон» от 12 января 2017 года, №УП-4707 «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» от 6 марта 2015 года, № УП-4609 «О дополнительных мерах по дальнейшему совершенствованию инвестиционного климата и деловой среды в Республике Узбекистан» от 7 апреля 2014 года и Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-2697 "Об Инвестиционной программе Республики Узбекистан на 2017 год" от 23 декабря 2016 года, а также другими нормативно-правовыми актами, относящимися к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование направлено на совершенствование научно-методологических основ развития инвестиционного потенциала и выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Обзор международных научных исследований по теме диссертации³. Научные исследования, связанные с инвестициями, инвестиционной деятельностью, проблемами инвестиционной политики и стратегии осуществляются ведущими мировыми научными центрами и вузами мира, в частности, Harvard University, University of British Columbia, Yale School of Management (США), Erasmus Universiteit Rotterdam (Нидерланды), Jonkoping International Business School (Швеция), Санкт-Петербургским государственным университетом, Институтом экономики РАН (Россия), Институтом прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан, Ташкентским государственным экономическим университетом, Ташкентским финансовым институтом, Ташкентским государственным техническим университетом (Узбекистан).

В результате исследований по теории инвестиционного потенциала проведенных в мире, получен ряд научных и практических результатов. В

³ Данная часть выполнена на основе: Wilson Eziefule Herbert. New forms of international investment: a study of alternative strategies to foreign investment. Glasgow Theses Service. 1992, pp.13-20; Calvert, A.L. A Synthesis of Foreign Direct Investment Theories and Theories of Multinational Firms // Journal of International Business Studies, Spring/Summer, 1981, pp.48-59; Imad A. Moosa. Foreign Direct Investment. Theory, Evidence and Practice. Palgrave Macmillan. 2002, pp.23-62; Alfaro, Laura. Gains from Foreign Direct Investment: Macro and Micro Approaches // World Bank Economic Review 2016, pp. 9-14; Sucher, Sandra J., and Matthew Preble. Generation Investment Management. Harvard Business School. July, 2012, pp.23-37; Thomas Pistorius. The Rhetoric of Investment Theory. Erasmus Universiteit Rotterdam; Bourreau, 2010, pp.76-94; Johan E. Eklund. Theories of Investment // A Theoretical Review with Empirical Applications. Swedish Entrepreneurship Forum and Jonkoping International Business School. 2012, pp.126-128; Кармов Р. А. Инвестиционный потенциал и социально-экономические условия его реализации в трансформационной экономике: Автореф. дис. к.э.н. М.: Институт экономики РАН, 2007. С.23.; Катасонов В.Ю. Инвестиционный потенциал экономики: механизмы формирования и использования. М.: Анкил, 2005. С. 248; Федяшева Г.Ч-Б. Прогнозирование инвестиционного развития на основе многокомпонентного исследования // Рынок, деньги и кредит. Т.: 2016. №2; Абдурауфов Р.Р. Совершенствование механизмов управления экономическим потенциалом предприятий с иностранными инвестициями. Автореф. дис. д.э.н.Т.: ТГЭУ, 2016.

частности, разработан подход «Investor Ladder» (Лестница инвестора), который был широко применен национальными контрольными органами в европейских секторах телекоммуникаций (Harvard University, США); обоснованы методологические и практические аспекты применения теории Тобина для максимизации прибыли фирмы с использованием динамической оптимизации (JonkopingInternationalBusinessSchool, Швеция); обосновано применение многофакторной модели и модели оценки капитальных активов (САРМ) для оценки запасов, безопасности и эффективности рынка акций (Yale School of Management, США); определены методы эффективного управления стоимостью бизнеса, выстраивания инвестиционной политики, оценки результативности бизнес-процессов, оценки финансовой устойчивости и рисков (Санкт-Петербургский государственный университет, Институт экономики РАН, Россия); выявлены пути повышения эффективности инвестиционных процессов и дальнейшего улучшения инвестиционного климата (Институт прогнозирования и макроэкономических исследований при Кабинете Министров Республики Узбекистан); исследованы методологические основы управления экономическим потенциалом предприятий с иностранными инвестициями (Ташкентский государственный экономический университет); осуществлена интегральная оценка эффективности механизма формирования инвестиционного потенциала промышленных предприятий (Ташкентский государственный технический университет).

В мире проводятся исследования по ряду приоритетных направлений, посвященных управлению инвестиционным потенциалом, в том числе, влиянию институциональных условий на инвестиционный потенциал; оценке инвестиционного потенциала с точки зрения использования совокупных собственных ресурсов, оценке территориального аспекта инвестиционного потенциала, совершенствованию механизма инвестиционно-инновационного развития исходя из современных тенденций в области науки и техники.

Степень изученности проблемы. Проблемы инвестиций, инвестиционной деятельности и инвестиционного потенциала были рассмотрены в научных трудах таких зарубежных учёных, как J.M.Keynes, E.Böhm-Bawerk, I.Fisher, R.F.Harrod, H.M.Markowitz, R.Merton, F.Modigliani, M.H.Miller, J.Tobin, W.F.Sharpe, M.S.Scholes, E.Altman, R.Dornbusch, C.R.McConnell⁴. Учёные Содружества Независимых Государств

